

Ота-онанинг вафотидан кейин фарзанднинг уларга дуоси



12:52 / 23 февраль 1894

????? ??????? ???? ?????????????? ????????: ??????
?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????
?????????? ??????? ?????????? ?????????? ??????????
????????????.

Саъид ибн Мусайяб:

«Киши ўзидан кейин фарзандининг қилган дуоси ила кўтарилади»,
деди ва «Мана бундай», деб икки қўлини кўтарди».

Шарҳ: «Бир одам вафот этгач, фарзандининг унинг ортидан қилган дуоси туфайли мартабаси мана бундай бўлиб кўтарилади», деб икки қўлини кўтариб кўрсатган экан Саъид ибн Мусайяб. Яъни бу ривоят вафотларидан кейин ҳам ота-онага фарзанднинг қиладиган яхшилиги уларнинг

ҳақларига дуо қилиш билан бўлишига мисолдир.

Фарзанд ота-онасига уларнинг вафотидан кейин ҳам яхшилик қилай, деган умидда бўлса, уларнинг ҳаққига дуо қилиб, мағфират сўраса, ана ўша иши яхшилик бўлар экан. Фарзандларининг дуоси сабабли ота-оналарнинг охиратдаги мақомлари юқори бўлар экан.

????? ???????? ????. ?????????????? ??????????.

Саъид ибн Мусайябдан худди шунга ўхشاши ривоят қилинади.

Ушбу ривоятда ҳам худди юқоридаги маънонинг ўзини Саъид ибн Мусайяб розияллоҳу анҳудан энди бошқа бир ровийлар ривоят қилган экан. Демак, бу машҳур гап, бир неча тарафлардан ривоят қилинган кучли бир далил ҳисобланар экан.

????? ?????????????? ??????: ?????????? ??????? ?????
?????? ??????: ?????? ?????????? ?????? ??????????????
????????? ???? ?????? ??????: ?????????? ???????
????????? ???? ?????? ?????????? ?????????? ?????? ????
????????? ???? ?????? ?????????? ?????????? ??????».

Сақафийдан ривоят қилинади:

«Яҳё ибн Саъиднинг шундай деганини эшитдим: «Эшитишимизча, майитга учта хислат жорий бўлиб туради: кетидан борадиган садақа, у мерос қолдирган илмга унинг ортидан амал қилинса ва унга дуо қиладиган боласи».

Шарҳ: Биринчиси: Бирор кўпчиликка фойда берадиган ишни қилиб қўйган бўлса, унинг қилган ишидан мўмин-мусулмонларга манфаат етиб турса, ўша садақаи жория бўлган ишнинг фойдасидан, яъни савобидан эгасига ўлимидан кейин ҳам бориб туради.

Иккинчиси – вафот этган одам ўзининг кетидан манфаат берадиган бир илм қолдирган бўлса. Одамлар ана шунга амал қилиб, фойдаланиб турса, олим ўтиб кетганидан кейин ҳам ортидан ўзи қолдирган илм туфайли савобга эришиб туради.

Учинчиси – вафот этган одамнинг ортидан фарзандининг дуо қилиб туриши. Бунда ҳам вафот этган одамнинг ортидан яхшилик, хайр-барака етиб туради.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Вафот этганидан кейин бир майитнинг даражаси кўтарилади. Шунда у: «Роббим! Бу нима?» дейди.

«Фарзандинг сенга истиғфор айтди», дейилади».

Бухорий ривоят қилган.

Албатта, инсон вафотидан кейин амал қилиш имконидан маҳрум бўлади. У ҳеч нарса қила олмай, кутиб туришдан бошقا нарсага ярамайдиган ҳолда бўлади.

Аммо бир киши вафотидан кейин даражаси кўтарилади. Бундан ўша банданинг ўзи ҳам ҳайрон. Қандай қилиб вафотидан кейин унинг даражаси кўтарилиши мумкин? Бу ажабланиш уни Аллоҳ таолога савол беришга ундайди. Шунда у: «Роббим! Бу нима?» дейди. Унинг ҳайрат ила берган бу саволига: «Фарзандинг сенга истиғфор айтди», дея жавоб берилади».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу гапларидан фарзанднинг истиғфори – мағфират сўраши туфайли унинг вафот этиб кетган ота-онасининг охиратдаги даражаси кўтарилиши билиб олинади.

Шунинг учун ота-онасига уларнинг вафотидан кейин яхшилик қилишни, уларнинг ортидан савоб етказишни ва охиратдаги мақомлари яхшиланиб, даражалари юқорилашини истаган фарзанд доимо уларга мағфират сўраб, дуода бўлиши лозим.

Ушбу ривоятлардан олинадиган фойдалар:

1. Вафотидан кейин ҳам майитнинг даражаси кўтарилиши мумкинлиги.
2. Майит охиратда ўзининг даражаси кўтарилганидан ўзи ҳайратга тушиб, Роббидан бу ҳақда сўраши.
3. Фарзанднинг дуоси майитнинг охиратдаги даражасининг кўтарилишига сабаб бўлиши.
4. Баъзи майитлар Робб билан гаплашиши мумкинлиги.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-раҳмамли холосаси асосида тайёрланган.